Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 20 август, № 169 (9340) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАЙЛИК!

ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИНИ КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ЖАДАЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 август куни кичик ва микрогидроэлектр станциялари тармоғини ривожлантиришнинг навбатдаги чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш, мавжуд сув ресурсларининг энергетик салоҳиятидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кичик ва микроГЭСлар олис ҳудудларни электр энергияси билан таъминлаш, тармоқлардаги йўқотишларни камайтириш ва хусусий инвестицияларни жалб этишда муҳим ўрин тутади.

Ўтган йили қабул қилинган алоҳида қарорга мувофиқ, хусусий сектор иштирокида жами 164 мегаватт қувватли қарийб 3 мингта кичик ва микроГЭС қуриш белгиланган.

Бугунги кунда 64 та лойиҳа ишга туширилиб, уларнинг жами қуввати 41,6 мегаваттга етган. Аммо бу белгиланган қувватнинг атиги тўртдан бир қисмини ташкил этади. Режадаги қарийб 3 мингта лойиҳадан 932 таси бўйича ташаббускор аниқланган. Жаҳон банки иштирокида ажратилган 150 миллион долларлик имтиёзли ресурслардан фойдаланиш ҳам суст кетаётгани қайд этилди.

Тадбиркор ва инвесторларда станцияларни қуриш ҳамда ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотиш шартлари бўйича саволлар кўплиги кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан аукционларда лойиҳанинг бошланғич нархи билан бирга электр энергиясини харид қилиш тарифининг энг қуйи чегарасини белгилаш, тарифларни станция қувватига қараб табақалаштириш таклиф қилинди. Бу “ноль” қийматда ютиб олинган, аммо амалга оширилмай қолган лойиҳалар муаммосини ҳал этиб, инвесторлар учун аниқ ва барқарор шарт-шароит яратади.

Шунингдек, 100 киловаттгача бўлган микроГЭСларни лойиҳалаш ва қуриш соддалаштирилган тартибда амалга оширилади. Қуввати 50 киловаттгача бўлган лойиҳалар шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси ва давлат архитектура-қурилиш назоратидан озод этилади.

Қўшимча сув босимини ҳосил қилиш учун канал, дарё ва ўзанлар конструкциясига ўзгартириш киритишга рухсат берилади. Сув хўжалиги объектларида ўз эҳтиёжлари учун кичик ва микроГЭСларни аукционсиз қуриш имконияти ҳам яратилади.

Лойиҳалар учун муносиб жойларни аниқлашдан тортиб, уларни ишга тушириш ва эксплуатация қилишгача бўлган жараёнларни қамраб олувчи рақамли платформа жорий этилади. Шу билан бирга, лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича ягона услубий қўлланма ҳамда хусусий сектор иштирокида лойиҳаларни амалга ошириш тартиби ишлаб чиқилади.

Соҳадаги яна бир долзарб масала — импортга юқори даражада қарамлик. Ҳозирги кунда кичик ва микроГЭСлар учун зарур гидроагрегат ва бутловчи қисмларнинг 90 фоизи четдан олиб келинмоқда.

Бу борада 46 та кичик ва микроГЭС қурган “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятининг тажрибасидан фойдаланиш, тадбиркорларга лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишлари ва ускуналар етказиб бериш бўйича комплекс хизматлар кўрсатиш муҳимлиги таъкидланди. Маҳаллийлаштириш мумкин бўлган агрегат ва бутловчи қисмларнинг аниқ рўйхатини шакллантириб, уларни мамлакатимизда ишлаб чиқариш бўйича тадбиркор ва инвесторларга таклифлар берилади.

Мамлакатимизда дарё ва каналлар тармоғининг умумий узунлиги 173 минг километрдан зиёд. Тақдимотда бетонлаштирилган каналларда кичик ва микроГЭСлар қуриш учун катта имкониятлар мавжудлиги қайд этилди. Мутасаддиларга бундай объектларни тўлиқ хатловдан ўтказиб, қўшимча лойиҳалар захирасини аниқлаш вазифаси қўйилди.

Умуман, 2030 йилга қадар бундай станциялар қувватини 204,8 мегаваттга етказиб, йилига 620 миллион киловатт-соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Бу 350 мингта хонадонни “яшил” энергия билан таъминлаш, йилига 187 миллион куб метр табиий газни тежаш ва атмосферага 311 минг тонна карбонат ангидрид чиқарилишининг олдини олиш имконини беради.

Шунингдек, янги ўқув йилидан кичик қувватли “яшил” энергетика йўналишларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун дуал таълим тизими жорий этилади. Энергетика корхоналари, жумладан, кичик гидроэнергетика объектлари талабалар учун амалиёт базаси сифатида белгиланади.

Давлатимиз раҳбари белгиланган лойиҳаларни жадаллаштириш, соҳага хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, ускуналарни маҳаллийлаштириш ва малакали кадрлар тайёрлаш юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

ЎзА.





ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ТАШАББУСЛАР ВА ҒОЯЛАР

тадбиркорларни умумий мақсад йўлида бирлаштирмоқда

Хоразмда ўтказилган бу галги очиқ мулоқотда тадбиркорлар ўзларини ўйлантираётган масалаларни дадил кўтариб чиқишди. Албатта, дунёда муқобили йўқ бу учрашувда бирорта масаланинг жавоби очиқ қолмади. Ҳаммасига тўхталиб ўтилди, ечим изланди. Унда фақат муаммолар, масалалар эмас, меҳнатда эришилган муваффақиятлар ҳам айтилди, бу натижалар ниманинг эвазига қўлга киритилгани таҳлил қилинди.

Бугун — Тадбиркорлар куни

Тадбиркорлар ўтган бир йил давомида нималарга эришганию, қандай натижалар қайд этгани минбарда батафсил баён қилинди. Бу, ўз навбатида, бўлажак ва энди бизнесини бошлаган ишбилармонлар учун ўзига хос ибрат мактаби бўлиши билан эътиборга молик.

Бу йилги олтинчи очиқ мулоқот олдидан Call-марказ ва расмий ботлар орқали тадбиркорлардан 6 мингга яқин мурожаатлар тушганининг ўзи унга ишбилармонларнинг қизиқиши юқори бўлганини кўрсатди. Қувонарлиси, бу мурожаатларнинг 4,2 мингдан зиёди очиқ мулоқотга қадар ижобий ҳал этилди. 1,8 мингга яқинини кўриб чиқиш давом этяпти. Тайёргарлик доирасида ўтказилган тадбирларда 3,5 мингдан зиёд таклифлар тушгани эса тадбиркорларнинг ўз соҳаси учун жонкуяр экани ва бу таклифлар инобатга олинса, юртимизда бизнес янада гуллаб-яшнашига ишонч ифодасидир.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Хоразм заминида бўлиб ўтган очиқ мулоқотни туманларда ташкил этилган студияларда қатнашчилар бевосита кузатиб, ўз фикр ва таклифларини айтиш имкониятига эга бўлди. Бир қатор тадбиркорларга Президентимиз билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имконияти яратилди. Бундай шарафга муяссар бўлиш ҳар бир ишбилармонга фахр-ифтихор бағишлади. Шу боис Хоразмда ўтказилган очиқ мулоқот янада қизиқарли ва таассуротларга бой бўлгани билан муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг 13 августдаги фармони ҳамда фармойишига биноан бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотлари ва “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди. Бу Тадбиркорлар куни олдидан катта байрам туҳфаси бўлди.

Мукофотланганларнинг ҳаяжонга тўла дил сўзларини, Президентимиз билан Хоразм воҳасида ўтказилган олтинчи очиқ мулоқот таассуротларини ёзиб олдик.

3-саҳифага қаранг.

Ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича янги тизим

Камбағалликни қисқартириш ва ишсизликдан холи ҳудудни шакллантириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини самарали ташкил этиш бугунги куннинг устувор вазифаси саналади.

Йиғилиш

Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи давомида вилоятда 81 минг кишини камбағалликдан чиқариш, 39 минг ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминлаш ҳамда йил якунига қадар вилоятни камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш вазифалари белгиланган.

Шу маънода, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги ишчи гуруҳ Хоразм вилоятида ўрганиш ишларини олиб борди. Хусусан, Урганч шаҳрида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, раислари ва котибият мудирлари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, “Нуроний” жамғармаси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ҳамда касаба уюшмалари ташкилотлари вакиллари иштирокида учрашув ўтказилди. Унда белгиланган вазифалар ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини самарали юритиш масалалари кўриб чиқилди.

Шу мақсадда Сенат томонидан маҳаллаларда ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, ушбу тоифадаги оилаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш, маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш бўйича маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ишини ташкил этиш бўйича янги тизим ишлаб чиқилди.

Мазкур тизим асосида ҳар бир депутат ўзи сайланган округ ҳудудидаги маҳаллаларда “маҳалла еттилиги” ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда белгиланган вазифалар ижроси устидан назоратни амалга оширади. Шу билан бирга, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этишда ижро ҳокимияти органларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда натижаларни кузатиб бориш ҳам назарда тутилган.

2

Акс садо



Очиқ мулоқот:

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ДАВРИНИНГ МУҲИМ ДАСТУРИ

Давлатимиз раҳбарининг Хива шаҳрида тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқоти юртимизда соҳага юксак эътиборнинг яққол ифодаси бўлди. Айниқса, ушбу мулоқотни ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш сиёсатида янги босқични бошлаб берувчи муҳим дастурий тадбир сифатида баҳолаш мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари мазкур очиқ мулоқотнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муҳим аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиб, Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббусларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш ва ишбилармонлик фаоллигини оширишдаги ўрни хусусида ўз муносабатларини билдирди.

Бизнес ва давлат муносабатларида янги тамойиллар

Жуманазар ОТАЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик — фақат иш ўринлари яратиш ёки даромад манбаи эмас, балки иқтисодий ўсиш, технологик тараққиёт, экспорт ва ҳудудларни ривожлантиришнинг асосий драйверларидан бири.

Сўнгги беш йилда соҳа вакиллари билан очиқ мулоқотлар натижасида бизнес муҳитини яхшилашга қаратилган 84 та қонун, 861 та фармон ва қарор қабул қилингани, бизнес учун кредит портфели қарийб уч карра ошиб, 450 трлн. сўмга етгани амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аниқ натижаларини кўрсатмоқда.

2

Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигига

РАҚАМЛИ БОЖХОНАДАН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БОЖХОНА САРИ

Глобал иқтисодиётнинг жадал ривожланиши ва халқаро савдо муносабатларининг кенгайиб бориши шароитида мамлакатларнинг божхона тизими нафақат фискал функцияни бажарувчи механизм, балки иқтисодий хавфсизликни таъминловчи, ташқи савдони енгиллаштириш ва инвестициявий муҳитни такомиллаштиришга кўмаклашувчи стратегик институт сифатида баҳоланмоқда.

Шу маънода, мамлакатимизда кейинги ўн йилликда божхона тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг институционал асосларини қайта кўриб чиқиш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Муаммолар босқичма-босқич ҳал қилинмоқда. Айниқса, божхона маъмурчилигини рақамлаштириш, хавфларни бошқариш тизимини автоматлаштириш, инсон омилини қисқартириш ва шаффофликни таъминлаш орқали ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қулай, тезкор ҳамда ишончли муҳит яратиш давлат сиёсати даражасида устувор вазифа сифатида белгилаб олинди.

4





Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 20 август

Ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича янги тизим

1 Ижтимоий реестрга киритилган оилалар билан индивидуал режа асосида ишлаш, уларни камбағалликдан чиқариш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва натижадорлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Бунда ҳар бир депутат ўз сайлов округидаги маҳаллаларда ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш, инвестиция ҳамда ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бўйича аниқ режа асосида иш олиб боради.

Мазкур жараёнга Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, “Нуроний” жамғармаси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ҳамда касаба уюшмалари ташкилотлари вакиллари кенг жалб этилади.

Амалга оширилаётган ишлар ҳар ҳафтада доимий комиссиялар томонидан ўрганилиб, натижалари ҳар ойда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессияларида танқидий муҳокама қилинади, масъул раҳбарларнинг ҳисобот ва ахборотлари эшитилиб, уларнинг фаолиятига баҳо бериб борилади.

Таъкидланганидек, депутатларнинг фаолияти фақат назорат билан чекланмайди, балки муаммони аниқлаш, уни ҳал этишга амалий ёрдам бериш, ижрони кузатиш ва якуний натижани баҳолаш тамойили асосида ташкил қилинади. Бу борадаги ишлар, биринчи навбатда, “оғир” тоифадаги маҳаллалардан бошланади.

Янги тизим депутатлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида муҳокама этилди. Ушбу тизимни вилоятдаги 348 нафар депутат фаолиятига, 509 та маҳаллага татбиқ қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Ўрганиш

САМАРАЛИ ДЕПУТАТЛИК ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Хоразм вилоятига ташрифи доирасида ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш, маҳаллаларнинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш, шунингдек, мазкур йўналишларда белгиланган вазифалар ижроси устидан самарали депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш масалалари ўрганилди.

Хусусан, Хива ва Қўшкўпир туманларида “оғир” тоифага киритилган Ғовук ҳамда Шихмашхад маҳаллаларида амалга оширилаётган ишлар билан танишилди. Хива туманининг Ғовук маҳалласида ҳунармандчилик, жумладан, мебель, эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромад манбаларини кенгайтиришнинг асосий драйверларидан бирига айланган.

Маҳалланинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, бу ерда Ҳунармандчилик марказини ташкил этиш, соҳа вакилларига зарур шароитлар яратиш ҳамда ишлаб чиқаришни кластер усулида йўлга қўйишга қаратилган лойиҳа тақдимоти билан танишилди.

Шихмашхад маҳалласи аҳолисининг тирикчилик манбаи эса ҳунармандчилик ва боғдорчилик бўлиб, бу ерда 100 дан ортиқ ҳунармандлар хонадонлари мавжуд. Ҳудудда нақш ўймакорлиги асосида ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган, тайёр маҳсулотлар эса Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларга етказиб берилаётир.

Ишчи гуруҳ хонадонларда бўлиб, уй эгаларининг тадбиркорлик фаолияти билан ҳам танишди. Хусусан, Ғовук маҳалласида яшовчи Кенжабой Жонибеков хонадонида йўлга қўйилган эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш лойиҳаси кўздан кечирилди. Шихмашхад маҳалласида яшовчи, йил бошида меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқаро Шаҳло Отажанова эса 100 млн. сўмлик имтиёзли кредит эвазига ўз уйида чучвара пишириб сотишни йўлга қўйган.

Сенат Раиси хонадон эгалари билан суҳбатлашиб, яратилган имкониятлар ва мавжуд муаммолар билан қизикди. Оилавий тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлиги ҳамда даромадларини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Маҳаллаларни йил якунига қадар ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш, эҳтиёжманд оилалар, уларнинг аъзоларини зарур ижтимоий, тиббий ҳамда таълим хизматлари билан қамраб олиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш бўйича режалаштирилган вазифалар ўрганилди.

Шу билан бирга, оилаларни камбағалликдан тўлиқ чиқариш ва бошлаган фаолиятини мустақил давом эттира олиш даражасига етказишга қадар уларни кузатиб бориш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ҳамда белгиланган вазифалар ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Маҳалла фаоллари билан учрашувда ушбу вазифаларнинг сифатли бажарилишини ташкил этишдаги муаммолар таҳлил қилинди ва уларнинг ечими юзасидан таклифлар шакллантирилди.

«Халқ сўзи».

Халқаро анжуман

Ижтимоий тараққиётни жадаллаштиришда парламентларнинг ўрни

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илгари сурилган ҳамда 2026 йил 24 июль куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Ижтимоий ривожланишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюцияга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Аъзамхўжаев, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус аъзолари, халқаро экспертлар, илмий-тадқиқот муассасалари олимлари иштирок этди.

Анжуманда резолюцияда белгиланган устувор вазифалар, хусусан, ижтимоий ривожланишни жадаллаштириш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларнинг институционал имкониятларидан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, анжуманда хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг парламент фаолиятида тўлиқ ва тенг иштирокини таъминлаш, рақамли технологиялардан ижтимоий ривожланиш манфаатлари йўлида фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Рақамли тафовутни қисқартириш, сунъий интеллект ва илғор технологиялар имкониятларининг ижтимоий соҳаларга таъсири юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Конференция якунида парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, илғор тажриба алмашинувини кенгайтириш, ижтимоий сиёсатни шакллантиришда парламентларнинг таъсирчанлигини ошириш ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда қонун ижодкорлиги ва парламент назоратининг механизмларидан самарали фойдаланиш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Очиқ мулоқот:

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ДАВРИНИНГ МУҲИМ ДАСТУРИ

1 Шу йил 21 апрелда қабул қилинган “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги ҳамда 7 августда имзоланган “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунлар тадбиркорлик субъектларида корпоратив бошқарувни тартибли ва масъулиятли қилиш, кўчмас мулк бозорини профессионал, шаффоф ҳамда ишончли тизимга айлантиришга мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди.

Эндиликда тадбиркорни фақат кредит билан таъминлаш эмас, балки уни бизнесни бошлашдан тортиб, юқори ўсиш босқичигача комплекс қўллаб-қувватлайдиган яхлит экотизим яратилмоқда. “Бизнес старт”, “Бизнес лифт” ва “Бизнес юксалиш” дастурларининг жорий этилиши шу нуқтаи назардан алоҳида аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, тадбиркорни бизнеснинг ҳар бир босқичида тизимли қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Очиқ мулоқотда белгиланган бешта устувор йўналиш — тадбиркорлик учун “барқарор ўсиш траекторияси”ни таъминлаш, ҳудудларда бизнес имкониятларини кенгайтириш, сунъий интеллект ва янги инвестициялар экотизимини шакллантириш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда бизнесга маъмурий босимни кескин камайтириш мамлакатимиз иқтисодиётини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.



Айниқса, бизнес ва давлат муносабатларида янги тамойилларнинг жорий этилишини жуда муҳим деб ҳисоблайман. “Тадбиркорнинг ҳақлилик презумпцияси”, “Биринчи хато учун — огоҳлантириш”, давлат хизматларининг 50 фоизини “сукут — розилик” тамойилига ўтказиш, кичик бизнесда айрим текширувларга уч йиллик мораторий жорий этиш, жарималар миқдорини ўртача икки баробар камайтириш каби чоралар тадбиркорлик муҳитида ишончни янада мустаҳкамлайди. Зеро, тадбиркор ўзини эркин ва ҳимояланган ҳис қилгандагина янги лойиҳаларга инвестиция киритади, ишлаб чиқаришни кенгайтиради ва янги иш ўринларини яратади.

Мулоқотда ҳудудларнинг иқтисодий ихтисослашувига аниқ ёндашув белгиланган ҳам ғоят муҳим. Ҳар бир ҳудуднинг табиий, меҳнат ва инвестиция салоҳиятидан келиб чиқиб, янги “ўсиш нуқталари”ни белгилаш ҳудудий иқтисодиётни бир хил қолип асосида эмас, балки ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифаларнинг ҳаётга самарали татбиқ қилинишида фаол иштирок этиш, янги ташаббусларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш, давлат органлари ва бизнес ўртасидаги муносабатларнинг аниқ ва шаффоф механизмларини белгилаш биз, депутатлар олдида турган муҳим вазифалардан бири.

Шу нуқтаи назардан, халқ вакили сифатида очиқ мулоқотда билдирилган таклиф ва ташаббусларнинг қонунчиликда ўз ифодасини топиши, қабул қилинаётган қонунларнинг бевосита тадбиркорлар ҳаёти ва фаолиятига ижобий таъсир кўрсатишига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Бизнесни қўллаб-қувватлайдиган комплекс тизим

Одинахон ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Президентимизнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан ўтказиб келаётган очиқ мулоқотлари бизнес аҳлининг дардига қулоқ тутиш, уларни ўйлантираётган масалаларга амалий ечим топишнинг самарали майдонига айланди. Уларда таклифлар эшитилаётгани ва қўллаб-қувватланаётгани бизнес вакилларига ўз фаолиятини янада ривожлантириш учун катта ишонч бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Хива шаҳрида ўтказган навбатдаги очиқ мулоқоти ҳам уларнинг таклифларини бевосита эшитиш, уларга амалий ечим топиш ва бизнесни ривожлантириш учун янги имкониятлар яратишга хизмат қилади. Энг муҳими, давлат ва тадбиркор ўртасидаги ишончни янада мустаҳкамлайди.

Мулоқотнинг энг муҳим жиҳати шундаки, давлат ва тадбиркор ўртасидаги муносабатлар “ёрдам берувчи давлат”дан “имконият яратувчи давлат” тамойили сари янада дадил одимламоқда. Бу тадбиркор учун тайёр ечим кутиш эмас, балки ўз ташаббуси ва ғояларини рўёбга чиқариш учун кенг йўл ва мустаҳкам замин яратилаётганини англатади.

Учрашувда Президентимиз томонидан бизнес вакилларини йиллар давомида қийнаб келаётган кўплаб масалаларга ечим кўрсатилиб, янги ташаббуслар илгари сурилди. Белгилаб берилган бешта устувор йўналишнинг ҳар бири бизнесни қўллаб-қувватлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва тадбиркорлар учун янги имкониятлар эшигини очишга қаратилган қатор ташаббусларни ўз ичига олади.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир ташаббуси, сўзлари тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, одамларни ишбилармон қилишга йўғрилган. Айниқса, “Тадбиркорга кредит бериш эмас, балки уни бошидан охиригача қўллаб-қувватлайдиган, биринчи қадамидан — катта бизнесга айлангунича ҳамкорлик қиладиган комплекс тизим яратамиз”, дея билдирган фикрлари соҳа вакилларида эртанги кунга бўлган умид ва ишончни янада мустаҳкамлади.

Бизнесга маъмурий босимни кескин камайтиришга қаратилган ташаббус соҳа вакилларининг айни дилидаги гап бўлди. Бу бизнес вакилларига янада эркин фаолият юритиш, янги ғоя ва режаларини дадил амалга ошириш учун кенг имкониятлар очиши, шубҳасиз. Кичик бизнесда ҳар қандай текшириш учун уч йил муддатга мораторий эълон қилиниши эса уни ортиқча ва асоссиз текширувлардан озод этгани билан аҳамиятлидир.

Ихтиёрий профилактик аудитдан ўтган ўрта ва йирик бизнесда камчиликлар бартараф қилинса, жарима қўлланмаслиги, барча турдаги жарималар миқдори ўртача 2 баробар камайтирилиши ҳам бизнес муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, профилактик назоратни кучайтириш ва давлат билан бизнес ўртасида ишончни оширишга туртки беради.

Келаси йилдан тадбиркор ва давлат ўртасидаги низоларда “Тадбиркорнинг ҳақлилик презумпцияси” ҳамда “Биринчи хато учун — огоҳлантириш” қоидаси жорий этилиши эса уларга маъмурий босимни камайтириш, хатоларни жазолаш эмас, тузатишга рағбатлантириш, давлат ва бизнес ўртасида ишончни ошириш ҳамда адолатли бизнес муҳитини яратишга замин бўлади.

Умуман, белгиланган устувор вазифалар мамлакатимизда хусусий секторнинг иқтисодиётдаги ўрнини янада кучайтириб, янги иш ўринлари ва юқори даромадли фаолият турларини кўпайтириши, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириши, шубҳасиз. Тадбиркорлик ривожи эса халқ фаровонлигини ошириш, ҳудудлар тараққиётини жадаллаштириш ва мамлакат иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугун Президентимиз томонидан билдирилган “юқори иқтисодий ўсишни сақлаб қолишимиз зарур” деган стратегик мақсад барчамизни бир ният атрофида бирлаштиради. Бунга эришишда тадбиркорларимизга ишонч билдириш, улар учун қулай муҳит яратиш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳар бир ташаббусни қўллаб-қувватлаш — умумий вазифамиз.

Очиқ мулоқотда илгари сурилган муҳим таклиф ва ташаббусларнинг тўлақонли ҳаётга татбиқ этилиши орқали тадбиркорлар сафи янада кенгайиб, улар ўз фаолиятларида эришаётган ютуқлари билан Янги Ўзбекистонда бошланган ислоҳотларнинг локомотивига айланади. Демак, биз, депутатлар белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ўз вақтида ва самарали ижросини таъминлаш, бу жараён устидан таъсирчан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатишимиз зарур.

Гендер тенгликни таъминлаш ва барқарор инфратузилмани ривожлантириш – эътиборда



Олий Мажлис Сенатида “Гендер тенглик ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтиришнинг устувор вазифалари”, шунингдек, “Инновацион саноат ва барқарор инфратузилмани ривожлантириш истиқболлари” мавзуларида давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

Давра суҳбати

Гендер тенглик мавзуидаги давра суҳбати БМТнинг 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш мақсадлари кун тартибида белгиланган 5-мақсад — гендер тенгликка эришиш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш масалаларига бағишланди.

Унда Сенат аъзолари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, маънавият ва маърифат соҳаси вакиллари маърузалар билан иштирок этди.

Айтилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлашнинг ҳуқуқий ва институционал асослари мустаҳкамланиб бормоқда. Янги таҳрирдаги Конституцияда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатланган. Шунингдек, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниб, хотин-қизларнинг ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган механизмлар кучайтирилди.

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси доирасида ҳам давлат органлари, маҳаллий Кенгашлар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан ишлар изчил амалга ошириб борилмоқда.

Муҳокамада хотин-қизларнинг парламент ва маҳаллий Кенгашлар фаолиятидаги иштироки ортиб бораётгани, қизларнинг олий таълим билан қамрови кенгайгани ва аёлларнинг тадбиркорлик, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларидаги фаоллиги тобора кучайиб бораётгани эътироф этилди.

Иштирокчилар хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини янада кенгайтириш, қизларнинг таълим олиши ва етакчилик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг 5-мақсадини амалга ошириш, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, жамиятдаги гендер стереотипларини бартараф этиш масалаларига эътибор қаратди. Ва ўз навбатида, гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини янада кучайтириш бўйича ўз таклифларини билдирди.

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасида “Барқарор ривожланиш мақсадлари ойлиги” доирасида “Инновацион саноат ва барқарор инфратузилмани ривожлантириш истиқболлари” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Унда мамлакатимизда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, саноат тармоқларига илғор рақамли технологияларни жорий этиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилувчи барқарор инфратузилмани яратиш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Тадбир иштирокчилари саноатни модернизация қилиш, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, илмий ишланмалар трансфери, рақамли инфратузилмани ривожлантириш ва сунъий интеллект имкониятларидан саноатда фойдаланиш масалаларини кўриб чиқди.

Шунингдек, инвестицияларни жалб қилиш, махсус саноат зоналарини кенгайтириш, саноат корхоналарини барқарор энергия билан таъминлаш, “яшил” технологияларни жорий этиш ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаоллигини ошириш борасидаги ишларга урғу қаратилди.

Мулоқот давомида мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, саноат рақобатбардошлигига эришиш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш ва барқарор инфратузилмани шакллантириш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Сенаторлар илмий ишланмаларни тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришга интеграция қилиш, ҳудудларда инновацион лойиҳаларни молиялаштириш учун жамғармаларни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини халқаро андозаларга мослаштириш зарурлигини эътироф этди. Ва билдирилган таклиф ҳамда мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда инновацион саноатни ривожлантириш ва соҳадаги ишларни янада самарали ташкил қилиш муҳимлиги таъкидланди.

«Халқ сўзи».

Юқори технология ва инновациялар — муваффақият омили

Муҳаммаджон ВАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Бугун иқтисодий рақобат фақат ишлаб чиқариш ҳажми билан эмас, технология ва инновация билан ҳам белгиланади. Шу боис сунъий интеллект ва рақамли ечимларни бизнесга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, бугун қайси тадбиркор қўшилган қийматни оширишга интилса, сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини юксалтирса ва таннархни пасайтириш йўлларини изласа, эртанги бозорда устунлик айнан унинг қўлида бўлади.

Замонавий бошқарув ва сунъий интеллект ёндашувларини жорий қилган тадбиркорларнинг 54 фоизида маҳсулотга талаб кескин ортган, 25 фоизида таннарх камайган, 40 фоизида эса даромад ўсиши ҳисобига ишчиларнинг ойлиги 10 фоиздан кўпроқ кўтарилган.

Бу борада корхоналарда унумдорликни оширишга қаратилган янги механизмлар жорий этилиши камроқ вақт ва харажат эвазига кўпроқ ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини яратади. Таннарх пасайиб, корхонанинг рақобатбардошлиги ва даромаддорлиги ошади.

Яқинда Рақамли ҳукумат марказида биринчи суперкомпьютер кластери ишга туширилгани, келгуси йил кластер қуввати уч баробар оширилиши эса тадбиркорларга сунъий интеллект технологияларидан кенгроқ фойдаланиш, иш жараёнларини тезлаштириш ва натижадорликни ошириш учун янги имкониятлар очади.

“10 минг корхона учун — сунъий интеллект ҳамкор” дастури доирасида тадбиркорларга сунъий интеллект технологияларини жорий этишда амалий ёрдам берилади. Бу мақсадда қилинган харажатларнинг ярми давлат томонидан қопланади. Янги маҳсулотлар учун эса сунъий интеллект моделларини яратишда суперкомпьютер имкониятларидан бепул фойдаланишга рухсат берилади.

Бу эса корхоналарга сунъий интеллектни камроқ харажат билан жорий этиш ва замонавий технологиялар орқали ўз ишини самаралироқ ташкил қилишга кўмак беради. Қўшилган қийматни кўпайтиради, сунъий интеллект ёрдамида унумдорликни оширган ва таннархни пасайтириш устида изланган тадбиркор эртанги бозорда устунликка эга бўлади.

Ишбилармонлар учун капитал бозорига чиқиш имкониятлари ҳам кенгаймоқда. Жорий йилда илк бор 13 та стратегик компания активига эга Миллий инвестиция жамғармасининг 30 фоиз улуши Тошкент ва Лондон фонд биржаларига чиқарилгани хусусий сектордаги йирик корхоналар учун ташқи капитал бозорларига йўл очиб берди.

Келгуси йилда Тошкент халқаро молия маркази ҳамда “Enterprise Uzbekistan” халқаро рақамли технологиялар маркази ишга туширилиши улар мамлакатимизга 20 — 25 млрд. доллар капитал, янги билим ва технологияларни жалб этиш имконини яратиши, аввало, юртимизга йирик сармоялар, замонавий технологиялар ва илғор билимларни жалб қилишга замин ҳозирлайди. Натижада янги лойиҳалар амалга оширилиб, иш ўринлари кўпаяди, маҳаллий бизнес учун имкониятлар кенгаяди.

Амалда уддасидан чиқилаётган барча чора-тадбирларни умумий таҳлил қилганда, уларнинг замирида битта муҳим мақсад борлигини кўриш мумкин. Бу — ишончдир. Тадбиркор ўз мулкига ишонса, сармоя киритади. Қонун устуворлигига ишонса, узоқ муддатли режа тузади. Давлат билан муносабатларда адолатли ва аниқ қоидаларга ишонса, янги ғояларни амалга оширишдан чўчимайди.

Бугун тадбиркорга яратилаётган ҳар бир имконият — эртанги иқтисодий тараққиётга қўйилган мустаҳкам сармоя. Кафолатланган ҳар бир ҳуқуқ эса унинг келажакка ишончини янада оширади. Бугунги ислоҳотларнинг энг катта кучи ҳам ана шунда. Зеро, ишонч бор жойда ташаббус туғилади, ташаббус бор жойда эса янги иш ўринлари яратилади, даромад кўпайиб, халқ фаровонлиги юксалади.

«Халқ сўзи».

Аҳолига муддатли тўлов хизматлари кўрсатилишини такомиллаштириш мақсадида 2027 йил 1 январдан муддатли тўлов хизмати операторлари фаолияти йўлга қўйилади.

ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ТАШАББУСЛАР ВА ФОЯЛАР

тадбиркорларни умумий мақсад йўлида бирлаштирмоқда

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ ҚУВОНЧИ

Умарбек ШАРИПОВ,
Урганч туманидаги «Тилло домор» хусусий корхонаси раҳбари, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби:

— Очиқ мулоқотнинг бизнинг воҳада бўлиб ўтгани вилоятимиз тадбиркорлар корпусини ниҳоятда мамнун этди. “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланганим эса мен учун қўшалоқ қувонч бўлди.

Бу юксак мукофотни, аввало, “Тилло домор” корхонасида меҳнат қилаётган фидойи жамоамизнинг кўп йиллик меҳнати ва интилишларига берилган юксак баҳо, деб биламан. Давлатимиз раҳбари шахсан корхонамизга ташриф буюриши бизга қанот бағишлади, десам, асло муболағa эмас.

Корхонамиз фаолиятини йилдан-йилга кенгайтириш, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва бозорда ўз ўрнимизни мустаҳкамлаш йўлида жамоамиз билан биргаликда доимо изланиб келяпмиз. Мустақиллигимизнинг 35 йиллигига байрам туҳфаси сифатида йилига 12 минг тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга янги лойиҳани ишга туширдик. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизга нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб катта. Сутни қайта ишлаш орқали яратилаётган қўшилган қийматдан нафақат корхонамиз, балки бизга хомашё етказиб берувчи чорвадор ҳам, фермер ҳам манфаат кўради. Асосий мақсадимиз — халқимиз дастурхонига аъло сифатли маҳсулот етказиб бериш. Бугун юртимизда тадбиркорлик учун яратилаётган имкониятлар, ишбилармонларга кўрсатилаётган эътибор бизга янада катта марраларни кўзлаш имконини бермоқда.

Тадбиркорлар куни жамоамиз учун қўшалоқ байрамга айланди. Менга билдирилган юксак ишонч ва эътироф жамоамизни янада изланишга ундайди, беқиёс куч-ғайрат ва рағбат беради.



ЭЗГУ МАНЗИЛЛАРГА ЕТАКЛОВЧИ КУЧ

Жамшид ИСМАТУЛЛАЕВ,
Чуст туманидаги «Chust Textile» корхонаси таъсисчиси, «Дўстлик» ордени соҳиби:

— 2006 йилда кичкина бир цех сифатида ташкил этилган корхонамиз бугунги кунда йилига 15 миллион дона футболка ва 1,8 миллион дона кепка ишлаб чиқариш қувватига эга йирик тўқимачилик корхонасига айланди. Маҳсулотларимиз Россия, АҚШ, Италия, Жанубий Корея, Қозоғистон каби ўнлаб давлатларга экспорт қилинмоқда. Албатта, бундай натижаларга ўз-ўзидан эришилмайди. Бунинг замирида, аввало, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулк ва ташаббусни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлар учун янги имкониятлар яратишга қаратилган изчил сиёсат мужассам.

Президентимизнинг фармонига кўра, давлат мукофоти билан тақдирланганим мен учун катта шараф, айни пайтда юксак масъулиятдир. Бу мукофотни нафақат ўз меҳнатим, балки корхонамизда фаолият юритаётган 1800 нафардан зиёд ходимларимизнинг фидокорона меҳнатига берилган юксак баҳо, деб қабул қиламан.

Бунга жавобан биз келгусида ишлаб чиқариш қувватларимизни янада кенгайтириб, ҳажмни 30 фоизга оширишни режалаштирмоқдамиз. Бу эса янги иш ўринлари яратиш, экспорт кўламини кенгайтириш ва юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ўз ҳиссамизни янада кўпроқ қўшиш имконини беради.

Биз, тадбиркорлар яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва Янги Ўзбекистоннинг янада юксалиши йўлида сидқидилдан меҳнат қилишни ўзимиз учун энг шарафли бурч, деб биламиз.

ИШОНЧ ЮКСАК МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Азат МАШАРИПОВ,
Беруний туманидаги «Usta Bozorboy» хусусий корхонаси таъсисчиси, «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони соҳиби:

— Хоразмда ўтган очиқ мулоқот тадбиркорлар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Сабаби, бу мулоқотлар орқали ишбилармонликни ривожлантириш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва соҳадаги мавжуд масалаларга ечим топишга янада кенг эътибор қаратилди.

Бундан ҳам муҳими, бу йилги очиқ мулоқот арафасида “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланганимни катта қувонч ва масъулият билан қабул қилдим. Бу эътироф менга янада катта шижоат билан ишлаш, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун куч бермоқда. Уни шахсий ютуғимдан кўра, жамоамиз меҳнатига берилган юксак баҳо деб биламан.

Тадбиркорликни бошлаганимга 17 йил бўлди. Фаолиятимиз қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, иссиқхона, чорвачилик, музлаткичли омборлар, буғдой етиштириш ва кластер, шунингдек, уй-жой қурилиши каби бир нечта йўналишни қамраб олган.

Корхоналаримизда 100 нафарга яқин доимий ишчилар меҳнат қилади. Чорвачилик йўналишида 1500 бош қўй ва хориждан келтирилган 300 бош қорамол парваришланмоқда. Бугунги кунда корхонамиз тадбиркорлик рейтингида “ААА” юқори тоифада қайд этилган. Бу — корхонанинг молиявий барқарорлиги, ишончлилиги ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги юқори баҳоланганини англатади.

2027 йилда Беруний туманида 10 минг тонна буғдойни қайта ишлайдиган завод қуриш, хусусий болалар боғчасини ташкил этиш ва 80 хонадонли кўп қаватли уй-жой барпо қилишни режалаштирганмиз.

Тадбиркорга билдирилган ишончнинг энг муносиб жавоби — янги иш ўринлари ва ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган лойиҳаларни амалга ошириш. “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони мен учун ана шу вазифалар сари янада катта шижоат билан ҳаракат қилишга рағбат бўлди.



МЕҲНАТИМ ОРТИДАН ҲУРМАТ ТОПДИМ

Асрор ҚУРБОНОВ,
Нишон туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, «Жасорат» медали соҳиби:

— Давлатимиз раҳбарининг очиқ мулоқотда сўзлаган нутқини эшитяпману хаёлимдан ўн ёшимда бахтсиз ҳодиса туфайли бир қўлимдан айрилганим, болалигимнинг энг қайноқ даврлари турли шифохоналарда, жарроҳлик столларида ўтгани кечди. Давлатимизнинг эътибор ва ғамхўрлиги туфайли бугун фаол тадбиркорга айланганимдан ғурурланиб кетдим.

Ўшанда мактабни тамомлагач, мен қила олишим мумкин бўлган ягона иш томорқада деҳқончилик билан шуғулланиш эди. Бутун борлиғим билан шу ишга киришдим, зироатчилик сир-асрорларини пухта ўргандим. Маҳсулот етиштиришда бошқалардан бир қадам олдин бўлишга, бозорда харидоргир, даромади юқори маҳсулотларни етиштиришга ҳаракат қилдим. Маҳаллада биринчилардан бўлиб картошкани иссиқхона шароитида етиштиришни ўзлаштирдим. Гулчилик, кўчатчилик билан шуғулландим. Иссиқхонада қулупнай етиштиришни йўлга қўйдим, лимонзор барпо этдим. Томорқадан ташқари катта-катта майдонларни ижарага олиб, тарвуз, помидор етиштира бошладим. Бу ишларда оила аъзоларим ҳам мен билан ҳамфикр, ҳамжиҳат бўлишди, тенгма-тенг меҳнат қилишди.

Меҳнатларим ортидан бугун даромадим яхши, турмушим фаровон, фарзандларимизни бекаму кўст вояга етказяпмиз. Маҳалла-кўйда ўзимга яраша ҳурматим бор.

Президентимизнинг фармонига мувофиқ “Жасорат” медали билан тақдирланишим эса кутилмаган бахт бўлди. Тўғриси, ҳозир қалбимдаги ҳаяжонни қандай таърифлашни билмайман. Билдирилган бу ишонч ва эътиборни ўз меҳнатим билан оқлашга, бундан кейин ҳам томорқачиликда ўзига хос мактаб яратиш йўлида изланишга ваъда бераман.

ЭЛГА НАФ КЕЛТИРИШ — БАХТ

Ботиржон ХЎЖАМОВ,
Балиқчи туманидаги «Чинобод нурли замин агрофирмаси» МЧЖ директори, «Дўстлик» ордени соҳиби:

— Очиқ мулоқотда сўзга чиққан тадбиркорлар фикрларини эшитиб, натижаларни ўзимизнинг корхонамиз фаолияти билан таққосладим. Эътиборлиси, корхонамизда 19 гектар майдонда 600 дан ортиқ атиргул навлари парваришланмоқда. Атиргул нафақат манзара ва кўчатчилик учун, балки унинг барг ва гулларидан чой, мураббо, қиём, шарбат каби маҳсулотлар тайёрлаш имконияти мавжудлиги билан ҳам катта иқтисодий салоҳиятга эга. Шу боис йилига миллионлаб атиргул кўчатлари етиштирилиб, улар хорижий бозорларга чиқариляпти. Маҳсулотларимиз Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси ва Тожикистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

“Дўстлик” ордени билан тақдирланганим катта шараф ва юксак ишонч ифодасидир. Бу мукофотни, аввало, мамлакатимизда тадбиркорликка қаратилаётган юксак эътибор, яратилаётган имкониятлар ва билдирилаётган ишончнинг самараси, деб биламан. Зеро, бугунги ютуқларимизнинг замирида, нафақат ўз меҳнатимиз, балки юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган мустаҳкам ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлар мужассам.

Ушбу юксак давлат мукофоти менга билдирилган ишончни янада чуқур ҳис этиш, зиммамдаги масъулиятни тўла англашга ундайди. Бу ишончни фаолиятимизни янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажмини ошириш ва юртимиз иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш билан оқлайман. Бундай эътибор ва ишонч учун давлатимиз раҳбарига, юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаётган барча мутасаддиларга самимий миннатдорлигимни билдираман.



ЕЛКАМИЗГА ОФТОБ ТЕККАНИ РОСТ

Абдумалик АСҚАРОВ,
Тошлоқ туманидаги «Хурмо экспорт» МЧЖ таъсисчиси, «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони соҳиби:

— Ростини айтсам, Президентимизнинг ҳар галги тадбиркорлар билан ўтказадиган юзма-юз мулоқоти, яратиб берилаётган имтиёз ва имкониятлар дунёқарашимни ўзгартиради, ўзимизга бўлган ишончни юксалтиради.

Давлатимиз раҳбари билан илгариги очиқ мулоқотда иссиқхона ва замонавий логистика марказини ташкил этиш учун ер майдони ажратишда ёрдам сўрагандим. Таклифим қўллаб-қувватланиб, қисқа фурсатда 50 гектар экин майдони ажратиб берилди. Бу ерда замонавий логистика маркази ҳамда интенсив усулда органик боғ барпо этганмиз. Табиий минераллардан фойдаланиб, экологик жиҳатдан тоза мева етиштиришга мўлжалланган боғимиз кейинги йилда ҳосилга киради.

Айни пайтда АҚШ ва Францияга “Хурмо” ёрлиғи остида қуритилган мевалар экспортини амалга оширяпмиз. Бу йилги мақсад камида 5,5 миллион долларлик мева-сабзавот экспорт қилишга қаратилган.

Бугун тадбиркорнинг елкасига офтоб теккани рост. Ҳисоботлар электрон тизимга ўтказилди. Кредит олиш истагидагилар учун банкларнинг таклифларини бир жойда кўриш, солиштириш ва ўзига мақбул шартларни танлаш имконияти яратилди. Ҳудудларда рақамли молиявий платформа ишга туширилиб, “Электрон ҳукумат” тизимининг рақамли маълумотлар базалари билан интеграция қилинди.

Бундай эътибор ва рағбатга Хоразмда ўтказилган очиқ мулоқотда ҳам алоҳида урғу қаратилди. Бу бизни янги-янги ютуқлар сари ундайди, албатта.

ЭЪТИРОФ — АВВАЛО, МАСЪУЛИЯТДИР

Санжар БОБОКАЛОНОВ,
Вобкент туманидаги «Shirin ethno house» оилавий туризм корхонаси раҳбари, «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони соҳиби:

— Қишлоғимизда бўлган кишининг кайфияти кўтарилади, чеҳрасида табассум билан ортига қайтади. Боиси одамларимиз ширинсухан, меҳмондўст, содда, кўнглида кири йўқ. Манзарали гўшамизда томошабоп жойлар кўп. Муҳими, миллий урф-одат ва анъаналар сақланиб қолган. Дейлик, шўрданак ёки ширинликлар тайёрлаш баҳонасида аёллар бир хонадонда йиғилишиб, лапархонлик қилишади, ривоятлар айтишади. Ҳовлилардан тандирда ёпилган иссиқ-қина нон ҳиди таралади. Қадимий тегирмонда маккажўхори ва буғдой уни тортилади. Қишлоқда қўй жуни йигиришни ҳам, бичак (сомса) пиширишни ҳам, ҳолваю нишолда тайёрлашни ҳам жойига қўйишади.

Шу каби жиҳатларни ҳисобга олиб, қолаверса, мамлакатимизда ишбилармонлик фаолияти учун яратилган қулайликлардан фойдаланиб, Ширинда этнотуризм маркази барпо этганмиз. Бу ердаги тегирмон, тандир, ўтовлар, балиқчилик, чорвачилик бурчаги, экологик тоза мева ва сабзавотлар етиштириш, шўрданак ва қурут, полиз маҳсулотларидан саломатлик учун фойдали миллий таомлар тайёрлаш жараёни — буларнинг барчаси хорижий сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Сандал (танча)ли уйлару қўл меҳнати маҳсули саналган миллий ҳунармандчилик буюмларини айтмайсизми?!

“Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланганимдан беҳад хурсандман. Бу эътироф мен учун, аввало, масъулиятдир.

Тажрибамиз кўрсатяптики, юртимизда этнотуризмнинг имкониятлари катта. Негаки, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ўзбекона турмуш тарзи хорижий сайёҳларда унутилмас таассурот уйғотади. Дарвоқе, Ширинга “Этнотуризм қишлоғи” мақоми берилгани ҳам бежиз эмас. Яратилган имкониятлардан фойдаланиб, фаолиятимизни янада кенгайтириш ҳаракатидамиз. Президентимиз билан очиқ мулоқот биз каби тадбиркорлар фаолиятини янада юксалтиришга хизмат қилади, деб ишонаман.

«Халқ сўзи».

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ КЛАСТЕРГА АЙЛАНАДИ

Валижон ЖАЛИЛОВ,
Ёзёвон туманидаги «Ўрайимжон Жалилов» фермер хўжалиги раҳбари:

— Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқоти биз учун чинакам байрам шукуҳини бағишлади, десам, айни ҳақиқат. Чунки бу мамлакатимиз эртанги кунига, тараққиётига янги куч берадиган, ютуқлар қатори муаммолар таҳлил этиладиган минбардир. Президентимизнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаши, тавсиялари каттаю кичик ўзига хос лойиҳалар қатори янги ташаббусларга йўл очади.

Йигирма йилдирки, чорвачилик билан шуғулланаман. Бу соҳанинг машаққатини ҳам, роҳатини ҳам кўрдим. 15 йил аввал озуқа тақчиллиги боис қорамоллар бош сонини камайтиришга мажбур бўлдик. Озуқага ажратилган бор-йўғи 19 гектар ерга ҳам пахта экасан, молинг билан ишим йўқ, дейишди. Начора, шундай қилдик, кўзимиз қиймасада, сигирларни сотиб юбордик. Бу — ўн йил аввалги гаплар.

Бугун Президентимиз чорвачилик соҳасида ҳам тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Шу боис 2023 йил октябрь ойида Австрия давлатидан 1,8 млрд. сўм банк кредити эвазига 60 бош зотдор ғунажинлар олиб келдик. Шунинг 12 фоизлик қўшимча қиймат солиғини давлат қайтариб берди. Бу озуқани кўпайтириш, маҳсулдорликни оширишга имкон яратди. Бу орада қорамолларимиз сони юз бошдан ошди. Ҳар бош сигир кунига 45 литрдан сут бераётир. Бугун соғиб олинаётган сутга ҳам давлатдан пул оляпмиз. Бу ҳам чорвадор учун катта мадад. Буни ўн йил аввал тасаввурга ҳам сиғдириб бўлмасди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан чорвадорларга имтиёзли кредитлар бериш ҳам йўлга қўйилди. Шу боис янги лойиҳа билан Халқ банкига мурожаат қилдим. Насиб этса, йил охиригача Австриядан 150 бош зотдор ғунажин олиб келамиз. Бу чорва учун ҳам қўшимча қиймат солиғи бекор қилинган. Шунинг ўзи ҳам ҳазилакам имтиёз эмас. Агар келгуси йил баҳоригача ғунажинлар бузоқ туғишини, кўпайишини назарда тутсак, сут ишлаб чиқариш ҳажми каррасига ошиши аниқ.

Эндиликда сутни қайта ишлаш тизимини йўлга қўймоқчимиз. Бу нафақат фермадаги сутни, балки қишлоғимиз хонадонларидан чиқаётган кундалик ўн тоннадан ортиқ маҳсулотни қайта ишлашга шароит яратади. Шу тариқа “Даладан — дастурхонгача” тамойилига кўра фермер хўжалигимиз кластерга айланади.

2027 йил якунига қадар Олий суднинг интерактив хизматлар портали (my.sud.uz)нинг янгиланган мобиль иловаси ишга туширилиб, «Судга мурожаат намуналари» интерфаол хизмати такомиллаштирилади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 20 август

РАҚАМЛИ БОЖХОНАДАН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БОЖХОНА САРИ

1 Президентимиз раҳбарлигида халқаро ташкилотлар, етакчи хорижий давлатлар, айниқса, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсат изчил ҳаётга татбиқ этилиши натижасида Ўзбекистоннинг ташқи савдо алоқалари мутлақо янги босқичга кўтарилди. Давлатлараро ишончнинг мустаҳкамланиши, савдо-иқтисодий ҳамкорлик механизмларининг фаоллашуви ҳамда минтақавий интеграция жараёнларида мамлакатимизнинг очиқ позицияси сўнгги беш йилда ташқи савдо айланмасини деярли икки баробар ошириш имконини берди. Бу эса миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва инвестициявий жозибадорлигини таъминлашда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Албатта, ташқи савдодаги бу каби юқори ўсиш суръатлари, ўз навбатида, божхона расмийлаштируви жараёнларини янада соддалаштириш, божхона тўловларини ҳисоблашда автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланиш, электрон декларациялаш ҳамда хавфларни бошқариш тизимини такомиллаштириш каби стратегик ислоҳотларни талаб этди. Бунда божхона маъмуриятчилигини рақамлаштириш орқали коррупциявий омилларни камайтириш, инсон омили таъсирини чеклаш ва ташқи иқтисодий фаолият соҳада амалга оширилган ислоҳотларнинг иқтисодий самарадорлигини яна бир бор тасдиқлайди. Келгусида ташқи савдо айланмасининг янада ортиши ҳамда соҳада сунъий интеллект элементларини қўллаш орқали божхона назоратини янада соддалаштириш ҳисобига келгуси йили мазкур кўрсаткични 90 триллион сўмга етказиш режалаштирилган.



Ислоҳотнинг ҳаётий натижалари

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, сўнгги тўрт йилда божхона юк декларацияларини расмийлаштирувчи ходимлар сони 40 фоизга қисқарган бўлса-да, расмийлаштирувга қадар ундирилган қўшимча божхона тўловлари миқдори 5,5 баробар ошди. Хусусан, ушбу даврда божхона органларида рақамлаштириш жараёнлари изчил амалга оширилиб, 176 та янги дастурий маҳсулот ишлаб чиқилди. Улар орасида автоматлаштирилган ахборот тизимлари, интерфаол хизматлар ва мобиль иловаларнинг кенг жорий этилиши тизимнинг рақамли инфратузилмасини мустаҳкамлади.

Шу билан бирга, кўриклар сони 20 фоизга камайган ҳолатда уларнинг натижадорлиги ўн баробардан зиёдга ўсди. Рентген тасвирларини таҳлил қилиш орқали аниқланган ҳуқуқбузарликлар сони 3,5 баробар, уларнинг қиймати эса 2 баробар кўпайди.

Яширин иқтисодиётга қарши курашиш доирасида эса аниқланган ноқонуний товарлар қиймати ҳамда IMEI маркази билан йўлга қўйилган ҳамкорлик натижасида мобиль қурилмаларнинг расмий импорти 2,5 баробар ортди. Бу замонавий техник воситалар орқали назоратнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётганидан ҳамда мазкур йўналишдаги чора-тадбирлар самарадорликка эришаётганидан далолат беради.

2024 йилда “Экспортга — уч қадам” тизимининг ишга туширилиши божхона расмийлаштируви жараёнларининг соддалашувига янада катта туртки берди. Илгари экспорт жараёни шартнома, рўйхатдан ўтиш, сертификат олиш, декларация тўлдириш, тўловларни амалга ошириш, ҳужжатларни текшириш, рухсат бериш каби тўққиз босқични ўз ичига олган бўлса, янги тизим шартномани шакллантириш, юк кузатув ҳужжатларини киритиш ҳамда хавфни бошқаришга асосланган экспорт расмийлаштируви ва назоратидан иборат уч босқичда амалга оширилмоқда.



Мазкур ислоҳот натижасида экспорт жараёнларининг вақт ва молиявий харажатлари кескин қисқарди ҳамда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун шаффоф ва прогноз қилинадиган муҳит яратилди.

2025 йил апрелдан тўлиқ ишга туширилган божхона юк декларацияларининг авторасмийлаштирув тизими божхона соҳасида инсон омилини кескин камайтириб, субъектив қарорларнинг олдини олишда муҳим бурилиш нуқтаси бўлди. Тизим жорий этилгандан кейин божхона жараёнларида инсон аралашуви 75 фоизга, расмийлаштирувга сарфланган ўртача вақт 65 фоизга қисқарди. Машинали ўқитиш ҳамда сунъий интеллект элементлари асосида ишловчи ушбу тизим декларация маълумотларини кенг қамровли таҳлил қилиб, хавф даражасига қараб уларни “қизил”, “сариқ” ва “яшил” йўлакларга ажратади. Бу эса коррупция хавфларини кескин камайтириш, субъектив қарорларни бартараф этиш ва жараёнларни максимал даражада автоматлаштиришга хизмат қилди.

Замонавий тизим — вақт тежамкорлиги асоси

Халқаро тадқиқотларда бир кунлик кечикишнинг ўзи экспорт ҳажмини 1 фоизга камайтириши мумкинлиги қайд этилади. Демак, мамлакатда амалга оширилган вақт тежамкорлиги ташқи савдо салоҳиятининг юксалишига бевосита ҳисса қўшмоқда.

Бундан ташқари, “E-Tranzit” тизимининг жорий қилиниши ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун яна бир катта қулайликни яратди. Электрон транзит тизими орқали рухсат этиладиган ҳужжатларни автоматик тақдим қилиш, мантиқий назорат функциялари ва транзит жараёнларини реал вақтда кузатиш имконияти ортиқча қоғозбозликнинг бартараф этилишига ва чегарадаги назорат жараёнларининг тезлашувига хизмат қилди. Чегарада назорат идораларининг ягона ахборот тизими асосида ишлаши эса идоралараро мувофиқлашувни мустаҳкамлади.

Шу билан бирга, “Божхона ҳудудида қайта ишлаш” режимига тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг самарали йўналишларидан бири сифатида қаралиб, ундан фойдаланиш тартиботлари соддалаштириб борилмоқда. Ушбу режим миллий иқтисодиётда қўшимча иш ўринларини яратиш, ишлаб чиқаришда юқори технологик жараёнларни жорий этиш ва маҳаллий корхоналарнинг халқаро кооперацияга интеграциялашувини рағбатлантириш борасида ҳам муҳим ўрин тутади. Шунга кўра, тадбиркорлик субъектларининг мазкур режимдан кенг фойдаланиши учун қулай шароитлар яратиляпти.

Натижада бу тизимдан фойдаланган тадбиркорлар сони 2020 йилдаги 75 тадан 2025 йилда 458 тага ёки 6 баробар кўпайди. Ушбу режим доирасида қайта ишлаб экспорт қилинган маҳсулотлар қиймати 181 миллион доллардан 1 миллиард 377 миллион долларга, қарийб 8 баробар ошиб, мамлакатнинг умумий экспортида қайта ишланган товарлар улуши 10 фоиздан ортди. Бу кўрсаткичлар мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда божхона тартиб-таомилларининг рағбатлантирувчи роли ортиб бораётганини тасдиқлайди.

Халқаро аэропортларда ҳам фуқаролар ҳаракати йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Хусусан, йўловчилар оқими йиллик 2,5 миллиондан 8,7 миллионга ошди. Аэропортларда божхона кўриги “Масофавий божхона назорати” тизимига ўтказилиши ва 44 та авиакомпания билан маълумот алмашинувининг йўлга қўйилиши натижасида йўловчиларни божхона назоратидан ўтказиш вақти 25 дақиқадан 5 дақиқагача қисқарди.

Халқаро рейтинг ва комплекс чора-тадбирлар мажмуи

Ўзбекистоннинг халқаро рейтингларидаги ўрни ҳам сўнгги йилларда сезиларли даражада яхшиланди. Жумладан, Жаҳон банкининг Логистика самарадорлиги индексидаги “Божхона самарадорлиги” компоненти бўйича Ўзбекистон 140-ўриндан 74-ўринга кўтарилиб, 66 поғоналик сезиларли ўсишни қайд этди. Бу тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва рақамлаштириш жараёнларининг халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётганини кўрсатади. Бундан ташқари, БМТ томонидан шакллантириладиган Электрон ҳукумат ривожланиш индексида Ўзбекистон “жуда юқори” ривожланиш даражасига эга давлатлар қаторига кириб, давлат



хизматларини рақамли форматда кўрсатиш борасидаги ютуқларини яна бир бор тасдиқлади.

Айтиш керакки, рақамлаштириш фақатгина техник жараён эмас, балки институционал янгиланиш, кадрлар малакасини ошириш ва халқаро ҳамкорликни кучайтиришни ўз ичига олган комплекс ислоҳотлар мажмуи ҳисобланади. Рақамли трансформация жараёнлари божхона тизимида инсон ресурсларини ривожлантириш заруратини ҳам кун тартибига чиқарди.

Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган тегишли Фармон мамлакатимизда ташқи савдо соҳасида навбатдаги тизимли ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Мазкур ҳужжат тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай ва прогнозли муҳит яратиш, божхона маъмурчилигини тубдан такомиллаштириш, рақамли ечимларни кенг жорий этиш ҳамда халқаро стандартларга уйғунлаштиришга қаратилгани билан аҳамиятли. Бу мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва инвестициявий жозибадорлигини юксалтиришга хизмат қилади. Шубҳасиз, амалга оширилаётган мазкур ислоҳотлар натижасида Янги Ўзбекистон минтақада очиқ, шаффоф ҳамда самарали бошқарув механизмларига эга, замонавий “интеллектуал божхона” тизимини шакллантирган давлатлар қаторига қўшилади.

Акмалхўжа МАВЛОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси раиси, генерал-майор.

Интилиш

Сув таъминотига янгича ёндашув

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида Шуманай туманидаги “Ақ жап” каналини реконструкция қилиш ишлари якунланиб, объект тантанали равишда фойдаланишга топширилди.

Очилиш маросимида қайд этилишича, узоқ йиллар давомида капитал таъмирланмаган каналнинг техник ҳолати ёмонлашиб, гидравлик параметрлари ўзгарган, сув ўтказиш қуввати пасайган эди. Бу катта ҳажмдаги сув йўқотилишига сабаб бўлиб, “Ақ жап”нинг фойдали иш коэффициенти 40 — 45 фоизгача тушиб кетган, сувдан фойдаланиш коэффициенти эса 0,60 ни ташкил этган.

Лойиҳа доирасида каналнинг 8 километрлик қисми тўлиқ бетонлаштирилиб, бош сув олиш иншооти, 3 та сув тўсиш гидротехник иншооти ва 40 та сув олиш иншооти реконструкция қилинди. Амалга оширилган ишлар натижасида сувдан фойдаланиш коэффициенти 0,95 гача оширилди. Бунинг ҳисобига Шуманай туманидаги 25 та фермер хўжалигининг 4265 гектарлик суғориладиган ер майдони ва 2850 нафар фуқаронинг томорқа ерининг сув таъминоти сезиларли даражада яхшиланди. Ҳар йили ўртача 3,7 миллион куб метр сув ресурсларини тежаш ва суғориш тизимини самарали бошқариш имконияти яратилди.

— Бугун сув хўжалигидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳар бир томчи сувни сақлаб қолишдир. Каналларни бетонлаштириш айнан шу мақсадга хизмат қилади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Тажетдин Мадиреймов. — Илгари сувнинг катта қисми ерга сингиб кетар, натижада манзилгача етиб боришида жиддий йўқотишлар кузатиларди. Бетон қоплама эса фильтрацияни кескин камайтиради, сувни белгиланган ҳажмда ва қисқа вақтда истеъмолчиларга етказишни таъминлайди. Бу нафақат сув тежайди, балки бутун ирригация тизимининг ишончлилигини ҳам оширади.

“Ақ жап” канали реконструкцияси мамлакатимизда сув ресурсларини асраш, замонавий ирригация инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалигини барқарор тараққий эттириш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг яна бир амалий натижаси бўлди.

Ғайрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

«O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY INVESTITSIYA JAMG‘ARMASI» AKSIYADORLIK JAMIYATI AKSIYADORLARINING NAVBATDAN TASHQARI UMUMIY YIG‘ILISHI O‘TKAZILISHI TO‘G‘RISIDA XABARNOMA

FRANKLIN TEMPLETON

“Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonunining 62-moddasiga muvofiq, “O‘zbekiston Respublikasi milliy investitsiya jamg‘armasi” AJ (keyingi o‘rinlarda — **Jamiyat**) o‘z aksiyadorlarini Jamiyat aksiyadorlarining navbatdan tashqari umumiy yig‘ilishi (keyingi o‘rinlarda — **Yig‘ilish**) shaxsan hamda “eVOTE” elektron platformasi orqali masofadan turib ishtirok etish imkonini beruvchi gibrid shaklda o‘tkazilishi to‘g‘risida xabardor qiladi.

Jamiyat to‘g‘risidagi ma’lumotlar

Pochta manzili: O‘zbekiston Respublikasi, 100000, Toshkent shahri, Yunusobod tumani, “Buyuk Turon” MFY, Shahrisabz ko‘chasi, 2-uy.

Elektron pochta: uznif@franklintempleton.com.

Veb-sayt: www.uznif.com.

Ma’lumot uchun telefon: +998 99 433 08 80.

Yig‘ilish tafsilotlari

Sana: 2026-yil 16-sentabr, chorshanba.

Vaqt: Toshkent vaqti bilan soat 16:00.

Shakli: gibrid yig‘ilish — shaxsan va masofadan turib ishtirok etish.

Shaxsan ishtirok etish joyi: O‘zbekiston Respublikasi, 100000, Toshkent shahri, Shahrisabz ko‘chasi, 2-uy, InterContinental Tashkent, Ballroom 2-zali.

Shaxsan ishtirok etuvchilarni ro‘yxatdan o‘tkazish: Toshkent vaqti bilan soat 14:00 dan 15:00 gacha.

Masofadan turib ishtirok etish platformasi: www.eVote.uz.

Yig‘ilishda ishtirok etish huquqiga ega bo‘lgan aksiyadorlar reyestri shakllantiriladigan sana: 2026-yil 11-sentabr, juma.

Ishtirok etish va ovoz berish tartibi

Shaxsan ishtirok etish: aksiyador yuqorida ko‘rsatilgan vaqtda ro‘yxatdan o‘tishi va shaxsini tasdiqlovchi amaldagi hujjatning asl nusxasini taqdim etishi shart. Vakil qo‘shimcha ravishda o‘z vakolatini tasdiqlovchi tegishli tartibda rasmiylashtirilgan hujjatni taqdim qiladi. Shaxsan ishtirok etuvchi aksiyadorlar qog‘oz shaklidagi byulletenlar orqali ovoz beradilar.

Masofadan turib ishtirok etish: qatnashish huquqiga ega aksiyador Yig‘ilish ochilishidan oldin Yig‘ilish uchun mo‘ljallangan “eVOTE” havolasi orqali identifikatsiya va ro‘yxatdan o‘tishni yakunlashi, amaldagi elektron raqamli imzo kaliti yordamida autentifikatsiyadan o‘tishi hamda “eVOTE” talab qiladigan boshqa identifikatsiya ma’lumotlarini taqdim etishi shart. Masofadan turib ovoz berish faqat “eVOTE” orqali amalga oshiriladi. “eVOTE” platformasining amaldagi konfiguratsiyasiga ko‘ra, ishonchnoma asosida ish yurituvchi vakil masofadan turib ishtirok eta olmaydi va Yig‘ilishda shaxsan qatnashishi shart.

“eVOTE” texnik ko‘magi: Yorqin Bobur o‘g‘li Aliboyev, telefon: +998 71 211 09 09, ish kunlarida ko‘mak ko‘rsatish Toshkent vaqti bilan soat 9:00 dan 18:00 gacha.

Yig‘ilish kun tartibi

1. Yig‘ilish kotibini tasdiqlash;
2. Sanoq komissiyasining son va shaxsiy tarkibini tasdiqlash;
3. “Hugh van Cutsem”ni Jamiyat Kuzatuv kengashining mustaqil a’zosi etib saylash;
4. Jamiyat Kuzatuv kengashining mustaqil a’zolariga haq to‘lash va xarajatlarini qoplash to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash;
5. “Hugh van Cutsem”ga Jamiyat Kuzatuv kengashining mustaqil a’zosi sifatida to‘lanadigan haq miqdorini, xarajatlarini qoplash tartibini hamda u bilan tuziladigan shartnomaning muhim shartlarini tasdiqlash, shuningdek, tegishli shartnomani imzolash uchun vakolat berish.

Yig‘ilish materiallari

To‘liq elektron xabarnoma, Yig‘ilishda ishtirok etish va ovoz berish bo‘yicha batafsil yo‘riqnomalar, qarorlar loyihalari, tushuntirish materiallari, ovoz berish hujjatlari hamda yig‘ilishga oid boshqa materiallar “www.uznif.com” veb-saytida joylashtiriladi. To‘liq xabarnoma Yagona

UzNIF

korporativ axborot portalida ham e’lon qilinadi. Xabarnoma va materiallar aksiyadorlar reyestrida ko‘rsatilgan aloqa ma’lumotlaridan foydalangan holda aksiyadorlarga elektron pochta orqali ham yuboriladi. Materiallar bilan ish kunlari soat 9:00 dan 18:00 gacha Jamiyat manzilida tanishish mumkin. Shuningdek, ularni yuqorida ko‘rsatilgan elektron pochta manzili yoki telefon orqali so‘rab olish mumkin. Elektron xabarnomani olmagan aksiyador bu haqda Jamiyatga murojaat qilishi lozim.

Global depozitar tilxatlar (keyingi o‘rinlarda — GDR) egalari

Jamiyat aksiyalarini ifodalovchi global depozitar tilxatlar (GDR) egalari alohida xabarnomada va unda ko‘rsatilgan muddatlarda belgilangan tartibga muvofiq o‘zlarining tegishli kastodianlari orqali depozitariyga ovoz berish bo‘yicha ko‘rsatmalar taqdim etishlari lozim. GDR egasi “eVOTE” orqali bevosita ro‘yxatdan o‘tishga yoki yig‘ilishda shaxsan ishtirok etishga haqli emas. Biroq u Jamiyat veb-saytida joylashtirilgan xabarnomada ko‘rsatilgan “ZOOM” havolasi orqali yig‘ilishni kuzatishi mumkin.

Швецияда ватандошимиз ташаббуси билан «Woman World Global — Sweden» халқаро ташкилоти ўз фаолиятини бошлади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 19 387 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни —20.45 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6